



Душанба

Газета 1996 йил январь оидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "МАҲАЛЛА" жамғармасининг нашри

Сотувда эриши шарҳда

# ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ПАРВОЗИ БАЛАНД БЎЛСИН!



2002 йилининг 24 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди. 29 декабрь куни Оқсарой қарорхонада мазкур жамғарmani ташкил этиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, уюшма, компания, корпорациялар ва бошқа мутасадди ишоралар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни Президент Ислоҳ Каримов бошқарди. Давлатимиз раҳбари болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг мақсад ва вазифалари ҳақида тўхталар экан, мамлакатимизда соғлом авлод тарбиясида алоҳида эътибор берилганлигини таъкидлади. Истиқлол йилларида шўролар

замонда оқсқоллар қолга айланган экологик зуғум, болаларнинг оммавий тарзда бутефос каби кимёвий оғулардан захарланиши, камқонлик ва шунга ўхшаш бошқа хасталикларга чалинишига чек қўйилди. Лекин, леги Президент, аччиқ бўлса ҳам бир ҳақиқатни тан олишимиз керак: соғлом авлод тарбияси кўпроқ бир ёқлама, яъни тиббиёт йўналишида олиб боришмоқда. Ваҳоланки, спорт азал-азалдан ҳам жисмоний, ҳам маънавий етуқлик омили бўлиб келган. Халқимиз бекорга, соғлом танда - соғлом ақл, демасди.

Спортнинг миллий тенофондлари яхшилаш, ижтимоий муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш, миллатнинг гуруҳ-ифтихорини кўтариш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва бошқа тал

лай соҳалардаги аҳамияти бениҳоя каттадир. Бир мисол. Ўзбек курашнинг довури бугун етти иккигача таралмоқда. Демак, спортнинг миллий қадриятларимизни тиклашда ҳам беқисс ўрни бор. Президент болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Спорт фақат пойтахт ёки вилоят марказларидагина ривожланмай, энг олис қишлоқларга, чекка худудларга ҳам етиб бориши ва у, албатта, оммавий бўлиши керак. Бу ишга болаларни фақат тилда эмас, дилдан яхши қўрайдиган, уларга мураббийлик қилишдан толмайдиган, бир сўз билан айтганда, фидойи мутахассисларни жалб этиш ўта муҳимдир. Жойларда болалар учун спорт

жамғармаси фаолиятини ташкил этиш борасида амалга ошириладиган ишларга доир ахбороти тингилди.

Вилоят ҳокимларига жойлардаги вазият билан чуқур танишиш, болалар спортини ривожлантиришнинг имкониятларини обдон ўрганиб, аниқ тақлифлар бериш тавсия этилди.

Болалар спортини ривожлантириш фақат даврдор идоралар, мутахассисларнинггина эмас, барчанинг ва ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир, деди Президент пиروвардида. Мен бу талбирнинг умуммиллий ҳаракат даражасига кўтарилишини истар эдим.

Фарзандларимизда 5-7 ёшдан бошлаб спортга меҳр ўйготсак, спорт бора-бора уларнинг доимий ҳамроҳларига айланади. Спорт билан шуғулланган одам ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш йўлида собиққалам бўлади. Эрта-сида ишонч билан қарайди. Соғлом киши ҳар бир кундан олам-олам завқ олади, таъбир жоиз бўлса, қанот чиқариб учиб юргандек бўлади.

Фарзандларимизнинг парвозлари ҳамisha баланд бўлсин!

М.РАҲМОНОВ (ЎЗА)

## ЯНГИ ЖАМҒАРМАНИНГ ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИ

29 декабрь куни пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театри биносида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Зирлар Маҳкамасининг мазкур жамғарма фаолиятини ташкил этишга қаратилган қарорининг ижроси бўйича Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тулаганов маъруза қилди.

Мухокамада сўзга чиққан шахмат бўйича Осиё чемпиони Ю.Ҳамроқулова, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотини раҳбари А.Абдуқаҳҳоров, Андижон вилояти спорт кўмитаси раиси М.Муҳиддинов, дзодо бўйича республика терма жамоаси бош мураббийи А.Бағдасаров ва бошқалар тузилган жамғарманинг аҳамияти ҳамда Низомни лойиҳаси ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

директори этиб сайланди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Вазирлик кенгашига раислик қилишни ўз зиммасига олган. Бу эса ёшларга кўрсатиладиган юксак ғамхўрликнинг амалдаги яна бир намунасидир.


Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худойбергенов сўзга чиқди.

Конференцияда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосарлари Д.Ғуломов, Р.Азимов, Ҳ.Кароматов иштирок этди.

Озод РАҲАБОВ, (ЎЗА).



Бир зум ортимизда қолган изларга боқиб, қувончли ва серташвиш кунларимизни сарҳисоб қилаётимиз, беҳиш-тиёр биринчи савол ҳаёлимиздан кечади. Йил қандай ўтди? Биз нималарга улғурдик? Қай вазифалар кейинроққа сурилади? Уяётган йилдан бизнинг кўнглимиз тўлдими? Янги йилдан нималар кутаямиз? Агар биз юртимиздаги маҳаллалар ҳаётини таҳлил этсак, кишилар билан суҳбатлашсак, шу саволларга жавоб ҳам топа оламиз.



### ЯНА БИР ЙИЛ НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

Ўтган вақт мобайнида маҳалла равнақи яна бир поғонага кўтарилди. «Маҳаллам» деган сўз ҳар бир киши қалбидан янада чуқурроқ жой олди. Шу учун ҳам янги биналар, гузарлар қурилиши учун чорланган ҳашарга ўтган йиллардагидан кўпроқ одам йиғилди. Кўчат экиб, гулзорлар яратадиганлар сафи кенгайди. Ўсмирлар ва ёшлар қўлларига кетмон ушлаб, янги боғларни барпо этаётган ота-оналари, бобо-бувилари ёнига келиб қўшилдилар. Талбирқорчи ишбилармонлар ўзлари яшаётган маҳалла ободончилигига ҳисса қўлишини ўрганидилар. Уларнинг саяё-ҳаракати билан кўмакка муҳтож оилаларнинг модий аҳволи бир қадар яхшиланди, етим-есирларнинг кўнглилари тоғ бўлди. Боқувчисиз қолган хонадонларнинг фарзандларини йиғиб суннат тўйлари ўтказиш, кам даромадли оилалардаги тўй ва маъракалар учун маблағ ажратиш одат тусига кирди. Маҳаллаларда яшаётган ҳар бир одам бундай хайрли ва савоб ишларга астойдил бош қўшди.

Давоми 2-бетда

### ЯНА БИР ЙИЛ ЭСА КИРИБ КЕЛМОҚДА...

Биз унинг улғурлигини, куч-қудратини ҳозирданок ҳис этиб туриб-миз. Қандай қилиб? Чунки, Президентимиз шу йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиш баробарида ҳаётимизнинг гузал ва фаровон бўлишида келаётган йил янада катта имконлар яратилиши алоҳида таъкид-лашлар. Ахир ҳаммамиз маҳаллада яшаймиз. Шундай экан, маҳалла обод бўлса, юрт обод бўлади. Ўз юрти обод бўлган кишининг эса кунели тўқ, турмуши ширин, эртанги кунларга ишончи мустаҳкамдир. Демак кириб келаётган йил шу учун ҳам ўзига ҳос, айниқса маҳаллалар ҳаёти-да кескин бурилишлар ясайдиган давр бўлиши шубҳасиз.

Маълумки, истиқлол йиллари ўз номига, ўз мазмун-маҳиятига эга бўлди. Инсон манфаатлари йили, Оила йили, Аёллар йили, Соғлом авлод йили, Оналар ва болалар йили, Қариларни қадрлаш йили... Бу йиллар Юртбошимиз таъбири билан айтганда бир-бирига манتيқий асосда ўз-ўзи боғлиқдир. Мана, «Обод маҳалла йили» қаршимизда юз очиб туриб-ди. Қандай маҳаллани обод дейиш мумкин? Биз ушбу йилда маҳаллалар-нинг том маънода обод бўлмоғи учун ўз кучимиз, билимимиз ва саяё-ҳаракатимизни аямаслигимиз керак.

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги Қарорига кўра бу улғур ва муқаддас амалини адо этиш учун ҳар томонлама қулайлик ва зарур шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари кўри-лмоқда.

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги Қарорига кўра бу улғур ва муқаддас амалини адо этиш учун ҳар томонлама қулайлик ва зарур шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари кўри-лмоқда.

Зиёратчиларни қутлуғ сафарга тайёрлаш билан боғлиқ ишларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалий ёрдам кўрсатиладиган қувонarliдир.

Давоми 4-бетда

---

**Mahalla**

Ўзбекистон Республикаси Тахририят Манзили:

Матбуот ва Ахборот Агентлиги

Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Телефонлар:

Қабулхона — 136-53-93.  
Тел/Факс: — 133-44-25.

Масъул котиб: 136-53-75  
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва Ахборот Агентлиги

00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

«Матбуот тарқатувчи» ҳиссасдорлик жамияти

Мақола ва хабарлар мазмунини, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Кеча пойтахтимизнинг энг кўркам, энг муҳташам ишоотларидан бири Тошкент давлат консерваторияси биноси юзлаб кичкинтой болажонларнинг шодон кулусию куй-қўшиқлари садосига тўлди.

### «ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» БАЛАНДАН-БАЛАНД!

Чунки аънавий тус олган «Президент арчаси»нинг бу йилги тантаналари айнан шу ерда ўтмоқда. «Президент арчаси» Тошкентдаги Мехрибонлик уйларида тарбияланаётган минглаб ўғил-қизларни, маҳаллаларимиздаги кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг фарзандларини бу йил ўзини-чи бор ўз афродида чорламоқда. 29 декабрь куни болажонларнинг йил давомида озиқиб кутган бу таъбири бошланди. Бу таъбирга ҳар сафаргидек жиддий ҳозирлик қўрилган, унга юртимиздаги йирик корхона ва муассасалар ҳомийлик қилмоқдалар. Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси бу масъулиятда фаолият кўрсатмоқда. Болажонларимиз Ёш томошабинлар театри санъаткорлари ижросидаги томошадан олам-олам завқ олмоқдалар. Биз суҳбатга чорлаган болажонлар «Президент арчаси» тантаналаридан олган таассуротларини шундай изҳор этдилар.

Долимов Бекзод, Семенов Костя, Каримова Дилбэр — Ҳамза туманидаги 30-Мехрибонлик уйининг 9-синф ўқувчилари:

- Катта бўлиб қолган бўлсак ҳам «Президент арчаси» афродида қўшиқ қўйлаб, шахсан Юртбошимизнинг нома-ридан совға олиш жуда ҳам завқли. Биз мана шу ўқув йили тугагач Мехрибонлик уйини тарк этиб, мустақил ҳаётга қа-дам қўямиз. Бугунги томошадан олган таассуротларимиз албатта бир умр ёдда туламос.

Собир Раҳимов туманидаги 24-Мехрибонлик уйи тар-биячиси Фарид Каримова:

- «Президент арчаси» томошаларига келган болаларнинг чехрасидаги шонлиқини кўриб, ҳатто биз катталар ҳам ҳая-жонга тушаймиз. Турисини айтганда, Мехрибонлик уйи тарбиячиси бундай шўх-шодон бўлиб, дилдан яйраган пайти кўп бўлмайди. Ҳар қанча парвардишамайлик, улар-нинг кўнгли яримта. Бугунги каби таъбирда эса тарбияла-нувчиларимиз ўзларининг одамларга, ҳукуматимизга қадри-эканлиқларини ҳис қилдилар.

Совга улашганда пайт 24-Мехрибонлик уйининг жаж-жи тарбияланувчиси 5 ёшлик Халилова Нигина эътибори-мизни торти. Қизалоқ ҳозиргина олган совғисини барига босганча шифтача буй чўлаган арчани томоша қилиб туради.

- Арча роса баланд эканми? - сўраймиз ундан.

- Ҳа, жузлам, - қизча хайрат ила яна ўрмон маликасига боқди.

- Совғанни очиб кўрмайсанми?

- Оқдим, кўп шоколад бор экан...

- Қорбобога раҳмат айтдинг-ми?

- Президентимизга раҳмат айтдим! - дея бурро жавоб берди қизалоқ.

Аслида бу қизалоқ «Президент арчаси» афродида йиғил-ган ҳар бир болажоннинг кўнглидан кечган миннатдорчи-лик ҳисларини изҳор этди.

Бу таъбир пойтахтда 29-31 декабрь кунлари давом этди. Шунингдек республикамиз вилоятларида ва Қорақалпоғис-тон Республикаси бўлиб ҳам «Президент арчаси»нинг чи-роқлари порламоқда. Вилоятларда ҳам бу таъбир кенг қи-ровати ўтказилмоқда.

Мавлуда ҚОСИМОВА.

Суратларда: «Президент арчаси» таъбирдан лавҳалар.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.



## БЕШ АРКОННИНГ БИРИ

Ҳаж сафари олгудан

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги Қарорига кўра бу улғур ва муқаддас амалини адо этиш учун ҳар томонлама қулайлик ва зарур шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари кўри-лмоқда.

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги Қарорига кўра бу улғур ва муқаддас амалини адо этиш учун ҳар томонлама қулайлик ва зарур шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари кўри-лмоқда.

Зиёратчиларни қутлуғ сафарга тайёрлаш билан боғлиқ ишларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалий ёрдам кўрсатиладиган қувонarliдир.

Давоми 4-бетда

---

**Mahalla**

Ўзбекистон Республикаси Тахририят Манзили:

Матбуот ва Ахборот Агентлиги

Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Телефонлар:

Қабулхона — 136-53-93.  
Тел/Факс: — 133-44-25.

Масъул котиб: 136-53-75  
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва Ахборот Агентлиги

00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

«Матбуот тарқатувчи» ҳиссасдорлик жамияти

Мақола ва хабарлар мазмунини, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.





# Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси



**Жаннатмакон  
юртимиздаги  
кундан-кун чирой  
очаётган маҳал-  
лаларимизнинг  
ҳар бир фуқаро-  
сини янги йил  
билан қутлаб,  
«Обод маҳалла  
йили» да  
маҳаллалар  
ободлиги  
йўлидаги саъй-  
ҳаракатларига  
ривож  
тилайди!**



## «БОЙСУНИЙЎЛ» корхонаси ж а м о а с и

*Барча ҳамкасбларини кириб келаётган  
Янги йил билан қутлаб, ошпаларида  
тинчлик хотиржамлик, ишларида қут-  
барака тилиб қоладилар!*



2003 йил - Эчки йили бизга нима-  
ларни ҳадя қилмоқчи экан?..

Жарқўрғон тумани  
Халқ таълими  
бўлими  
ж а м о а с и

Юртдошлари-  
мизни кириб  
келаётган  
Янги-2003 йил  
«Обод маҳалла  
йили» билан са-  
мимий қутлайди!



